

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

**“ЭЛЕКТРОНИКА ВА АСБОБСОЗЛИК”
КАФЕДРАСИ**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШНИНГ ҲИСОБЛАШ
ТУШУНТИРИШ ҚИСМИ**

ФАРҒОНА - 2013 ЙИЛ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛТЕТИ
“ЭЛЕКТРОНИКА ВА АСБОБСОЗЛИК” КАФЕДРАСИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ
БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Қурбонов Шавкатбек Авазхонович

Битирув малакавий иш мавзуси: Рақамли электрон тўрт позицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилмани лоиҳалаш.

1. Институт бўйича 23.02.2013 йилдан СТ/Э №25 буйруқ билан тасдиқланган.
2. Ишни бажариш учун бошланғич асослар. Битирув малакавий ишида бажарилиши лозим бўлган қурилмани лоиҳалаш ишларида автоматлаштирилган лоиҳалаш тизимларидан фойдаланилиши шарт. лоиҳа ишларида албатта замонавий электрон элементлар ва микропроцессор техникаси ютуқларидан, ҳамда дастурлаш ва симуляцион моделлаш тизимларидан фойдаланиши талаб этилади.
3. Тушунтириш қисми тартиби.
 - a. Кириш. лоиҳаланаётган харорат ўлчовчи қурилманинг актуаллиги
 - b. Масаланинг моҳияти
 - c. Адабиёт тахлили
 - d. қурилманинг блок схемасини лоиҳалаш
 - e. қурилманинг принципаль схемасини лоиҳалаш
 - f. қурилмани дастурий таминотини лоиҳалаш
 - g. Қурилмадан фойдаланиш учун кўрсатма
 - h. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хорижий инвестиция бўлимилари ҳамда хулоса ва адабиётлар рўйхати ёзилиши керак.
4. Керакли чизмалар рўйхати.
 - a. Адабиёт тахлили натижасида аниқланган қурилмалар чизмалари ва расмилари;
 - b. лоиҳаланган қурилманинг блок схемаси
 - c. лоиҳаланган қурилманинг принципаль схемаси
 - d. лоиҳаланган қурилма алгоритмининг блок схемаси
 - e. лоиҳаланган қурилманинг конструктив чизмаси ва ҳажмий тасвири

5. Битирув малакавий ишнинг қисимлари бўйича маслаҳатчилар.

№	Қисмлар номи	сана		Маслаҳатчилар.Ф.И.Ш. имзо
		Топшириқ берилган	Топшириқ берилган	
	Масаланинг моҳияти	14.01.13	20.05.13	
	Қурилманинг блок схемаси	14.01.13	01.06.13	
	Қурилманинг принципиал схемаси	14.01.13	10.06.13	
	Қурилмадан фойдаланиш учун кўрсатма	14.01.13	17.06.13	
	Меҳнатни муҳофазалаш бўлими	14.01.13	17.06.13	
	Соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиниши бўйича маълумот	14.01.13	17.06.13	

Топшириқ берилган сана: **14.01.13**

Тугалланган битирув малакавий ишни топшириш санаси **20.06.13**

Битирув малакавий иш раҳбари _____ Н.Умаралиев

Аннотация

Ушбу битирув малакавий ишида рақамли тўрт пазицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилма лоиҳаланган. Бу қурилма учун дастурий таминол ва иккиламчи энергия таъминол қурилмалари тайёрланган. Барча лоиҳалаш ишлари “VSM Proteus” русумли автоматлаштирилган лоиҳалаш тизимида бажарилган.

Аннотация

В данной выпускной квалификационной работе проектирован измеритель температуры с четырёх позиционным, семи сегментным индикатором.

Для этого измерителя разработаны программное обеспечение и вторичный источник питания. Все работы по проектированию устройства выполнены на автоматизированной системе “VSM Proteus”.

The summary

In the given final qualifying work the measuring instrument of temperature with four item, seven segment indicator is projected.

The software and the secondary power supply are developed for this measuring instrument. All works on designing the device are executed on the automated system “VSM Proteus”.

МУНДАРИЖА

Мавзу: Рақамли электрон тўрт позицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилмани лоиҳалаш.

Кириш. лоиҳаланаётган харорат ўлчовчи қурилманинг актуаллиги.	8
I. Масаланинг моҳияти	8
1.1. Рақамли электрон тўрт позицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилманинг функциональ имкониятлари	8
1.2. Рақамли электрон тўрт позицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилманинг лоиҳалаш учун техник шартлар.	9
II. Адабиёт таҳлили	9
2.1 Мавжуд харорат ўлчовчи рақамли қурилмалар таҳлили	9
2.2 Рақамли электрон тўрт позицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилманинг лоиҳаси учун мавжуд техник воситаларнинг таҳлили	11
2.3 Қўйилган масаланинг ечими учун зарур бўлган дастурий воситалар таҳили	11
III. Рақамли электрон тўрт позицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилманинг блок схемасини лоиҳалаш.	12
3.1- блок харорат ўлчаш блоги	14
3.2- блок марказий бошқариш қурилмаси блоки	16
3.3- блок светодиодли рақамли индикатор блоги	19
3.4- блок кимёвий электр энергияси манбайи – аккумулятор зарядлаш блоги	19
IV. Рақамли электрон тўрт позицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилманинг приципиаль схемасини лоиҳалаш.	21
4.1- харорат ўлчаш блокнинг приципиаль схемаси	22
4.2- марказий бошқариш қурилмасининг приципиаль схемаси	23
4.3- светодиодли рақамли 7 сегментли индикатор приципиаль	24

схемаси	
4.4- блок Таъминот манбайи кучланишини икки даражага 5В ва 12В даражага ўзгартириб, стабиллаштириб берувчи блокнинг приципиаль схемаси	28
4.5- блок Тўғрилаш (зарядлаш) блогининг приципиаль схемаси	29
V. Рақамли электрон тўрт позицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилманинг дастурий таминотини лоиҳалаш	35
5.1 Қурилма дастурий таминоти алгоритмининг блок схемаси	35
5.2 Қурилма дастурий таминоти алгоритмининг тавсифи.	36
5.3 Қурилма дастурий таминоти алгоритмининг Ассемблер ёки С алгоритмик тилларидаги реализацияси.	37
VI.Мехнатни муҳофаза қилиш бўлими	41
VII.Сохага хорижий инвестицияларни жалб қилиниши бўйича малумот	53
Хулоса	60
Адабиёт	61

Кириш. Рақамли электрон тўрт позицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилманинг актуаллиги.

Хозирда шаҳар ва бошқа марказларга турли электрон информаторлар ўрнатиш давр таллабига айланиб бормоқда. Аммо республикаимиз худудида бундай информаторларни ишлаб чиқарувчи корхона мавжуд эмас. Агар шаҳримизга ана шундай информатор ўрнатмоқчи бўлсак, хозирча албатта четдан олиб келиш лозим. Шу нуқтаи назардан катта ўлчамли кўркем индикаторли харорат ўлчовчи рақамли қурилмани лоиҳалаш ва ишлаб чиқариш импорт ўрнини босувчи актуал масаладир.

I - Боб Масаланинг моҳияти

1.1. Лоиҳаланиши лозим бўлган рақамли электрон тўрт позицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилманинг функциональ имкониятлари

Бу ерда лоиҳалаш ишини конкретлаштириш учун лоиҳаланадиган қурилманинг функционал имкониятларини лоиҳанини бажариш учун берилган топшириққа асосан аниқлаб оламиз.

Шундай қилиб, берилган топшириққа асосан лоиҳалашимиз лозим бўлган қурилма қуйидаги функционал имкониятларга эга бўлиши керак:

- 1.1.1. Харорат ўлчаш диапазони – 55°C + 55°C бўлиши лозим;
- 1.1.2. Хароратни хар бир минутда ўлчаб туриши керак;
- 1.1.3. Информаторнинг рақамлари ўлчамлари етарли даражада катта бўлиши керакли туфайли символ баландлигини 80 см, энини эса стандарга кўра 56 см деб қабул қиламиз;
- 1.1.4. Ушбу харорат ўлчовчи информаторнинг рақамли индикатори 4 та позицияли ва 7 сегментли бўлиб, энеготежамкор светодиодларда лоиҳаланиши лозим;
- 1.1.5. Автоном энергия манбасида ишлаш имконияти бўлиши керак;

- 1.2. Рақамли электрон тўрт позицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилманинг лоиҳалаш учун техник шартлар. Энди аниқлик учун лоиҳаланадиган қурилманинг техник параметрларинининг ихтиёрий равишда белгилаймиз. Айтайлик, биз лоиҳалашимиз лозим бўлган қурилма қуйидаги техник параметрларга эга бўлсин:
- 1.2.1. Таъминот манбаси 220В ли тармоққа уланиш имконияти бўлсин;
 - 1.2.2. Қурилма индикатори 12В ли кучланиш манбаъсидан, микроконтроллер ва харорат сезгир элементи эса 5В ли кучланиш манбаъсидан тامينлансин;
 - 1.2.3. Ушбу Рақамли электрон тўрт позицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилманинг замонавий элементлар базасида лоиҳаланиши лозим.

II-Боб Адабиёт тахлили


2.1 Мавжуд харорат ўлчовчи рақамли қурилмалар тахлили.

Ананавий электрон харорат ўлчаш қурилмаларида асосан термопара ёки термоқаршилиқ ёрдамида хароратни электр сигналига ўзгартириб, сўнгра у ёки бу аналог кучайтиргич ёрдамида кучайтирилиб, бирор бир стрелкали индикаторга берилар, бу индикатор шкаласи эталон термометр ёрдамида калибровка қилинар эди. Бу жараён анча юқори малакали меҳнат талаб қиладиган жараён эди.

Хозирги кунда электронка саноати томонидан юқори аниқликда калибровка қилинган, турли параметрларни ўлчовчи рақамли ўлчов қурилмаларини, жумладан хароратни ўлчовчи интеллектуал датчиклар ва компонентлар ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, Даллас фирмасининг харорат ўлчовчи DS18B20 русумли микроконтроллерини кўрсатиш мумкин (1 – расм).

**DALLAS
18B20**

1 2 3



GND DQ V_{DD}



(BOTTOM VIEW)

**TO-92
(DS18B20)**

2.1 – расм. DS18B20 русумли микроконтроллерининг ташқи кўриниши.

Бу микроконтроллер ёрдамида жуда аниқ ишлайдиган харорат ўлчаш қурилмасини яратиш мумкин. Бу қурилманинг ўлчаш аниқлигини бошқариш дастуридан ўзгартириш имконияти мавжуд.

2.2. Рақамли электрон тўрт позицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилманинг лоиҳасини бажариш учун мавжуд техник воситаларнинг тахлили

Анавий лоиҳаловчи муҳандис авваллари монтаж столи, турли таъминот манбалари, кўплаб сигнал генераторлари, осциллограф, частотомер, характериограф каби ўлчов қурилмалари, кўплаб электрон компонентлар, ва ниҳоят паяльник ёрдамида макетлаш усулида қурилмаларни лоиҳалар эди. Ҳисоблаш техникасининг жадал суратлар билан ривожланиши, дастурлаш технологияларида эришилган ютуқлар, математик моделлаш усуллариининг сўнгги ютуқлари: иммитацион моделлаш, электрон компонентларнинг эмуляцион ва симуляцион моделлари яратилиши, виртуал моделлаш тизимининг лоиҳалаш амалиётига кириб келиши билан электрон қурилмалар лоиҳаловчисининг компьютерлаштириш асосида автоматлаштирилган иш ўринларининг яратилишига олиб келди. Юқори аниқликда ишловчи замонавий ўлчов қурилмаларини лоиҳалаш учун бугунги кунда компьютер энг асосий техник воситага айланди.

2.3. Қўйилган масаланинг ечими учун зарур бўлган дастурий воситалар тахлили.

Юқорида айтилганидек, бугунги кунда жуда кўплаб автоматлаштирилган лоиҳалаш тизимлари учун дастурий воситалар амалда қўлланилмоқда. MAPLAB, MatCAD, MultiSim, OrCAD, PCAD ва AutoCAD, WorcBench кабилар. Бу дастурлар электрон қурилмаларни лоиҳалаш этапларининг бир қисминигина яъни, қурилманинг принципиал схемасини тайёрлаш ёки геометрик моделлаш қисминигина ўз ичига оладилар. PROTEUS VSM дастурий мажмуаси эса, юқорида эслатиб ўтилган барча дастурлар

вазифасини ҳамда уларга қўшимча микропроцессор ва микроконтроллерларни дастурлаш технологиясини ҳам ўз ичига олади.


III – Боб Рақамли электрон тўрт позицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилманинг блок схемасини лоиҳалаш.

Харорат ўлчовчи қурилманинг блок схемасини лоиҳалаш учун бу қурилманинг блокларини сони ва вазифаларини аниқлаймиз. Бу қурилмада унинг юқорида келтирилган талаблари асосида албатта:

- харорат ўлчаш блоги,
- светодиодли рақамли индикатор блоги,
- марказий бошқариш қурилмаси,
- кимёвий электр энергияси манбайи – аккумулятор,
- манба кучланишини икки даражага 5В ва 12В даражага ўзгартириб, стабиллаштириб берувчи блоклар бўлиши керак.

Қуйидаги 3.1 – расмда лоиҳаланаётган қурилманинг блок схемаси келтирилган. Бу блок схемани офис дастури имкониятларидан фойдаланиб, чизамиз.

Бу блок схемалар учун электрон компонентлар библиотекасидан мос равишда мақбул электрон қурилманинг симуляцион моделини танлаймиз. Бунинг учун ISIS дастурида комбонентлар менюсидан “P” иконкани босамиз ва очилган ойнада қидириш учун компонентга тегишли бирор – бир калт сўзини ёзамиз. Автоматик қидирув дастури биз ёзган калит сўзга мос компонентлар рўйхатини беради. Биз ўзимизга мақбул бўлган компонента моделини танлаймиз. Танланган модел бизнинг лоиҳамизнинг компонентлар рўйхатига ўтади. Шундай қилиб, ўзимизга керак бўлган барча электрон компонентлар моделларини танлаб оламиз. Шундан сўнг қурилманинг принципиал схемасини лоиҳалашга киришишимиз мумкин.



3.1 – расм. Харорат ўлчаш қурилмасининг блок схемаси

3.1 – Харорат ўлчаш блоги.

Юқорида эслатиб ўтилган DS18B20 русумли микроконтроллери бу блок ишини тўлиқ бажара олишлиги туфайли шу микроконтроллерни танлаймиз.


Қуйидаги 3.2– расмда бу микроконтроллернинг структура схемаси келтирилган.

DS18B20 русумли харорат ўлчаш қурилмаси фақат “**1 – wire**” протоколи бўйича бошқа микропроцессорли имформатцион комуникатцион техника воситалари билан биргаликда ишлатади. Битта ёки бир нечта DS18B20 русумли харорат ўлчаш қурилмаси параллел усулда DQ оёғи (PIN) билан “**1 – wire**” схемаси бўйича марказий бошқарувчи микроконтроллерига уланиши мумкун. DQ шина таъминот манбайига “подтягивающий – юқорига тортувчи” қаршилиқ орқали уланади, чунки бу шинага уланган барча қурилмалар Z (юқори импедансли) ҳолатдан фойдаланадилар.

DS18B20 русумли микроконтроллер хароратни 9,10,11,12 бит аниқлигида, яъни 0.5°C , 0.25°C , 0.125°C , 0.0625°C аниқлигида ўлчаши ҳамда назорат қилиши мумкин. Одатда 12 битли аниқлик даражаси ўрнатилган бўлади. Фойдаланувчи бу аниқликни ўзгартирмақчи бўлса, махсус команда ёрдамида, DS18B20 русумли микроконтроллернинг кофигурация регистрига керакли ахборотни ёзиши мумкин.

DS18B20 дастлаб тинч ҳолатда бўлади. Хароратни ўлчаш режимига ўтказиш учун марказий бошқариш қурилмаси “0x44” командасини бериши лозим. Бу командани олгач, DS18B20 хароратни конвертация қилиб, 2 байтли оператив хотирасига сақлаб қўяди ва DS18B20 пассив ҳолатига қайтади. Бошқариш қурилмаси DQ шинаси ҳолатидан хароратни конвертация қилиш жараёнини назорат қилиши мумкин. Шундан сўнг, марказий микропроцессор хароратни 2 байтли қийматини хотирасидан DS18B20 DQ шина орқали ўқиб олиши мумкин.


Қуйидаги биринчи жадвалда DS18B20 камандалар тизими




3.2– расм. DS18B20 русумли микроконтроллернинг структура схемаси.

3.2 – Марказий бошқариш қурилмаси


Марказий бошқариш қурилмаси сифатида PIC16F873а русумли микроконтроллерни ишлатиш мумкин. Бу 8 разрядли микроконтроллер бўлиб, 3 та параллел портга, 10 разрядли аналог рақам ўзгартиргичга, таймерга ва бошқа қурилмаларга эга. 4096 байтли флэш хотирасига керакли дастурни электр усулида ёзиш мумкин. 3.4 - расмда бу микроконтроллер архитектураси келтирилган



3.3 - расмда микроконтроллер келтирилган



3.4 – расм. микроконтроллернинг архитектураси



3.5- расм. Светодиодларда 2 позицияли йиғилган 7 сегментли индикатор .

3.3 – светодиодли рақамли индикатор блоги

лоихага қўйилган талаб асосида 7 сегментли “Индикатор” қурилмасини светодиодларда лоихалаймиз. Рақмлар ўлчами етарли даражада катта бўлиши учун ҳар бир сегментга 4 та светодиодни кетйма кет уламиз.

Светодиодларда йиғилган 7 сегментли индикатор.

Маълумки, светодиодлар одатда 3.2 В кучланишга мўлжалланган бўлади. Шунинг учун, индикатор таъминоти учун 12.8 В кучланиш берувчи блок зарур бўлади.

3.4 4- блок кимёвий электр энергияси манбайи – аккумулятор зарядлаш блоги.


Юқоридаги талабларга асосан, лоихаланаётган ҳарорат ўлчаш қурилмаси таъминот манбайи 2 даражали, яъни, 5 В ва 12 В кучланиш бериши лозим. Таъминот манбайи қувватини қурилманинг принципиал схемаси лоихалангач аниқлашимиз мумкин бўлади. Стабил 5 В ва 12 В кучланиш берувчи ушбу таъминот манбайи аккумуляторни зарядловчи қурилмадан таъминланади. Бу қурилма учун 2 та кучланиш стабилзаторидан: 7805 ва 7812 микросхемаларидан фойдаланамиз. Бу микросхемалар мос равишда 5 В ва 12 В стабил кучланиш ва максимал 1 А ток беришга мўлжалланган. Ҳарорат режимини сақлаш учун уларни радиаторга қотиришга кўзда тутилган. Қуйида 6 – расмда бу микросхемаларнинг схематик белгиланиши ISIS ишчи ойнасида келтирилган: Светодиодларда йиғилган 7 сегментли индикатор.

Маълум ёки, светодиодлар одатда 3.2 В кучланишга мўлжалланган бўлади. Шунинг учун, индикатор таъминоти 12.8 В кучланиш берувчи блок зарур бўлади.

Ушбу блок кимёвий электр энергияси манбайи – аккумулятор

Юқоридаги талабларга асосан, лоихаланаётган ҳарорат ўлчаш қурилмаси таъминот манбайи 2 даражали, яъни, 5 В ва 12 В кучланиш бериши лозим. Таъминот манбайи қувватини қурилманинг принципиал схемаси лоихалангач аниқлашимиз мумкин бўлади. Стабил 5 В ва 12 В кучланиш берувчи ушбу таъминот манбайи аккумуляторни зарядловчи қурилмадан

таъминланади. Бу қурилма учун 2 та кучланиш стабилизаторидан: 7805 ва 7812 микросхемаларидан фойдаланамиз. Бу микросхемалар мос равишда 5 В ва 12 В стабил кучланиш ва максимал 1 А ток беришга мўлжалланган. Харорат режимини сақлаш учун уларни радиаторга қотиришга кўзда тутилган. Қуйида 3.6 – расмда бу микросхемаларнинг схематик белгиланиши ISIS ишчи ойнасида келтирилган:



3.6– расм. 7805 ва 7812 микросхемаларининг схематик белгиланиши

Аккумуляторни зарядлаш блоги.


Захира энергия манбайи сифатида аккумулятор батареясида фойдаланамиз. Шунинг учун, захира энергиясини аккумулятор батареясига йиғиш учун зарядлаш қурилмаси зарур бўлади. Бу зарядлаш қурилмаси 220 В ли тармоқдан энергия олиб, аккумулятор батареясини зарядлайди. Тармоқда кучланиш йўқолганда, лоиҳаланаётган қурилма аккумулятор батареяси энергиясидан фойдаланади. Шунда қилиб, лоиҳаланаётган информатор қурилмаси узликсиз энергия таъминотига эга.

ШIV - Боб Рақамли электрон тўрт позицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилмани принципааль схемасини лоиҳалаш.

Қурилманинг принципааль схемасини юқоридаги талаблар ва қароримизга асосан VSM PROTEUS дастурий мажмуасининг ISIS дастури ёрдамида бажарамиз.

4.1- Харорат ўлчаш блокнинг принципааль схемаси


1- блокда тугалланган DS18B20 русумли микроконтроллердан фойдаланганимиз учун ISIS дастури библиотекасидан DS18B20 моделини ҳамда уни 1 – wire схемаси бўйича “юқорига тортувчи” қаршилиқ орқали улаш учун резистор танлаймиз. [илова№1 (Чернов Г. DS18B20 Описание работы с датчиком температуры. Мегатекс. Украина. Днепропетровск.2009)] да кўрсатилганидек уланган DS18B20 нинг принципааль схемаси 4.1 расмда кўрсатилган.



4.1 – расм. Харорат ўлчаш блогининг принципиаль схемаси

4.2- марказий бошқариш қурилмасининг приципаль схемаси

Марказий бошқариш қурилмаси сифатида ишлатилган PIC16F873A русумли микроконтроллернинг приципаль схемаси қуйидаги 8 – расмда келтирилган:



4,2 – расм. Марказий бошқариш қурилмаси PIC16F873A нинг приципаль схемада белгиланиши.


Расмда PIC16F873A нинг ҳар учала порти: А, В, С портлари PIN(оёқ)лари ва ана шу PIN лар орқали турли режимларда ишлатиладиган сигналлар аниқ кўриниб турибди. 1–PIN га уланган таъминот манбаси **MCLR** сигнаolini симуляция қилади. 1 – блокдаги харорат ўлчовчи DS18B20 русумли микроконтроллерни А портнинг 4 разрядига, яъни 6–PINга улаймиз.

4.3. Светодиодли рақамли 7 сегментли “Индикатор”нинг принципаль схемаси


лоихага қўйилган талаб асосида 7 сегментли “Индикатор” қурилмасини светодиодларда лоихалаймиз. Рақмлар ўлчами етарли даражада катта бўлиши учун ҳар бир сегментга 4 та светодиодни кетма кет улаймиз. Бунинг учун ISIS дастури библиотекасидан қизил ёритувчи светодиод моделини танлаймиз ва дастурнинг имкониятларидан келиб чиқиб, светодиодлардан фойдаланиб 7 сегментли индикатор шаклида принципал схемани чизамиз. Бунинг учун аввал 1 та сегментнинг принципал схемасини тайёрлаймиз. Маълумки, PIC16F873A нинг портидаги сигнал 0 коди учун 0 Вольт, 1 коди учун 5 Вольт бўлади. 5 Вольт сигнал билан 12 Вольтли занжирни узиб улаш учун бизга битта p-n-p ва битта n-p-n ўтишли транзисторлар керак бўлади. Учинчи n-p-n ўтишли транзистор эса позицияни улаш учун керак бўлади. Қуйидаги 4.3 – расмда светодиодли индикаторнинг битта сегментининг принципал схемаси кўрсатилган.

Светодиодли индикаторнинг битта сегменти электрон калитининг принципал схемаси. Бу ерда R1 (segment LCD) бтта сегментнинг схематик белгисидир.

Бу индикаторнинг ишлаши учун b1 ва c1 нуқталарга “1” сигнаolini (5Вольт) бериш керак. Шунда Q1, Q2 ва Q3 транзисторлари очилиб, светодиодлар ёритишни бошлайди. 9 – расмда эса индикаторнинг битта позициясининг принципал схемаси келтирилган.



4.3 – расм. Светодиодли индикаторнинг битта сегменти электрон калитининг принципал схемаси. Бу ерда R1 (segment LCD) бтта сегментнинг схематик белгисидир.



4.4 – расм. Светодиодли индикаторнинг битта позицияси принципиал схемаси.

Хозирги кунда дунё бозорида асосан Хитойда ишлаб чиқарилган диаметри 4.8 мм ҳамда 5 мм бўлган номаълум русумли турли рангдаги индикатор светодиодлар мавжуд. Бу светодиодлар лоиха талабларига тўлиқ жавоб беради. Уларнинг асосий техник параметлари деярли бир хил: ишчи кучланиши тахминан 3 вольт, ишчи токи 20 миллиамперни ташкил этади. У ҳолда лоихаланган индикаторининг битта сегменти истемол қилаётган ток миқдорини қуйдагича ҳисоблаш мумкин. Бу токнинг миқдори лоихаланган индикаторининг битта сегменти тўртта кетма – кет уланган светодиодлар гуруҳидан 11 таси параллел уланганлиги туфайли

$$I_s = 20 \cdot 11 = 220 \text{ миллиамперни ташкил этади.}$$

Ҳар бир позиция учун максимал ток миқдори қуйидагича ҳисобланади:

$$I_p = I_{s1} + I_{s2} + I_{s3} + I_{s4} + I_{s5} + I_{s6} + I_{s7} = 220 \cdot 7 = 1540 \text{ mA.}$$

Сегмент ва позиция тоқларини коммутация қиладиган транзисторларни танлайлик.

Позиция танзисторларини танлаш шарти:

$$I_k > I_p, \quad U_k > U_s:$$

$$I_k > 1540 \text{ mA}, \quad U_k > 12 \text{ V}$$

Шунга кўра А1015 транзисторни танлаймиз. Унинг ишчи токи ва кучланиши:

$$I_k = 400 \text{ mA} \quad U_k = 75 \text{ V}$$

Сегментларни коммутация қилувчи транзисторларни уларнинг коллектор токи ва кучланиши бўйича индикаторнинг сегмент токи ва кучланишига нисбатан қуйидаги шартларга асосан танлаймиз:

$$I_k > I_s, \quad U_k > U_s;$$

$$\text{яъни} \quad I_k > 220 \text{ mA}, \quad U_k > 12 \text{ V}$$

Шунга кўра ВD711 транзисторни танлаймиз. Унинг ишчи токи ва кучланиши:

$$I_k = 4 \text{ A} \quad U_k = 75 \text{ V}$$

Схемадаги Q10-Q16 транзисторларининг яъни, сегмент транзисторлари базасини коммутация қилувчи транзисторларнинг коллектор токи сегмент транзисторлари база токидан катта бўлиши керак. Шунинг учун бу тарзисторларни танлаш шартини қуйидагича:

$$I_k > I_{bTs},$$

Маълумки, pnp , pnp транзисторларнинг ток бўйича кучайтириш коэффициентни $K = 10 \div 10000$ ораликда ётади. Қурилма ишончли ишлаши учун бу коэффициентни камида $K = 10$ деб ҳисоблаймиз. У ҳолда сегмент транзисторларининг база токи :

$$I_b = I_k / K = 20/10 = 2 \text{ mA}.$$

У ҳолда Q10-Q16 транзисторларининг ва бошқа сегмент транзисторлари базасини коммутация қилувчи транзисторларнинг танлаш шарти:


$$I_k > 2 \text{ mA}.$$

Бу шартларга кўра C1815 русумли транзисторни танлаймиз. Унинг ишчи токи ва кучланиши:

$$I_k = 400 \text{ mA} \quad U_k = 75 \text{ V}$$

4.4 Таъминот манбайи кучланишини икки даражага 5В ва 12В даражага ўзгартириб, стабиллаштириб берувчи блогининг приципиаль схемаси. лоиҳаланаётган харорат ўлчаш қурилмасининг таъминот манбайи 2 даражали, яъни, 5 В ва 12 В кучланиш бера олиши учун 2 та кучланиш стабилизатори 7805 ва 7812 микросхемаларини танлаган эдик. Энди улар иштирокидаги таъминот банбайининг принципиал схемасини лоиҳалайлик. Бунинг учун ISIS дастури библиотекасидан шу микросхемалар моделларини

хамда электролитик конденсатор моделларини танлаймиз. Стабилизаторлар киришига ва чиқишига силлиқловчи сифатида электролитик конденсаторларни улаймиз. 5 Вольтли чиқишга юқори часоталарни филътрлаш учун 1 мкФ ли C4 конденсаторни улаймиз. 4.5 – расмда лоиҳаланган стабиллаш блогининг принципиаль схемаси келтирилган.



4.5 – расм. Таъминот манбайининг стабиллаш блогининг принципиал схемаси.

C1, C2, C3 конденсаторлар паст частотали филътр вазифасини бажарадилар. C4 конденсатори эса юқори частотали филътр вазифасини бажаради. Бу конденсаторлар ёрдамида стабилловчи блокнинг чиқиш кучланиши микроконтроллерлар талабига жавоб берадиган даражагача пульсациялари камаяди.

4.5. Тўғрилаш (зарядлаш) блогининг приципиаль схемаси.

Тўғрилаш (зарядлаш) блогининг приципиаль схемаси учун ток манбайи ва икки ярим даврли кўприксимон тўғрилагич схемасини кўллаймиз. Бунинг учун ISIS дастури библиотекасидан резистор, кўприк схемасида уланган диодлар блоги (Bridge) ҳамда биполяр конденсатор моделларини танлаймиз. 4.6 – расмда таминот манбайининг тўғрилаш (зарядлаш) блогининг лоихаланган приципиал схемаси келтирилган.

Энди шу блок элементларини танлаймиз. 4.6 расмда кўрсатилган C5 конденсатори балласт қаршилик бўлиб уни танлаш шартлари қурилманинг максимал ва минимал истемол токи аниқ бўлганда қуйидагича бўлади:


$$X_c = U_{c_{\min}} / I_{n_{\max}}; \quad X_c = U_{c_{\max}} / I_{n_{\min}};$$

Маълумки:

$$X_c = 1 / \omega C = 1 / (2\pi f C) = 1 / 314 C;$$

У холда C5 танлаш шартлари қуйидагича бўлади:

$$C = 1 / 314 X_c; \quad U_{\text{ишчи}} > 310 \text{ V}.$$



4.6 – расм. Таминот манбайининг тўғрилаш (зарядлаш) блогининг приципиал схемаси.

BR1 кўприкни токи ва кучланиши бўйича қуйидаги шартга асосан танлаймиз:

$$U_{\text{ишчи}} > 310 \text{ V}; I_{\text{ишчи}} > 1 \text{ A};$$

Бу шартга мос 2W01G диодли кўприкни танлаймиз.


4.6 – расмдаги DIODE ни токи ва кучланиши бўйича қуйидагича танлаймиз:

$$U_{\text{ишчи}} > 40 \text{ V}; I_{\text{ишчи}} > 1 \text{ A};$$

B1 аккумуляторни сиғими ва кучланиши бўйича танлаймиз:

$$U_{\text{ишчи}} = 12 \text{ V}; \quad I \text{ amp.hr} > 4 \text{ amp.hr}.$$


Шундай қилиб, қурилманинг барча блокларининг принципиал схемаси тайёр бўлди. Схемани соддалаштириш ва ўқиш учун қулайлаштириш учун DS18B20 русумли харорат датчигини, индикаторларни, аккумуляторни ҳамда тармоқни улаш учун коннекторлар танлаб оламиз. Қуйидаги 4.7 –расмда танланган коннектор схемада кўрсатилган.




4.7 расм. Габарити монтаж платасига сиғмайдиган қисимларни улаш учун танланган коннекторларнинг схематик белгилари.

PIC16F87XA

FIGURE 1-1: PIC16F873A/876A BLOCK DIAGRAM



4.9-расм Фирма хужжатидан олинган PIC16F87XA маркали микроконтроллернинг структура схемаси



4.10 – расм. Курилманинг принципиал схемаси.

V Боб: Рақамли электрон тўрт позицияли етти сегментли индикаторли харорат ўлчовчи қурилманинг дастурий таъминотини лоиҳалаш


Қурилманинг дастурий таъминотини лоиҳалашучун аввал дастурий таминот бажариши лозим бўлган ишлар кетма – кетлигини батафсил ёзиб чиқамиз ва ана шу ёзув асосида дастурий таъминоти алгоритмининг блок схемасини чизамиз, сўнгра тайёрланган блок схема асосида ассемблер тилида дастурий таъминотни лоиҳалаймиз.

5.1 Қурилма дастурий таминоти алгоритмининг блок схемаси

Қурилманинг дастурий таминоти асосий функцияси харорат ўлчаш ва ўлчанган хароратни индикаторга чиқариб беришдан иборат. Демак, дастур циклик равишда харорат ўлчовчи DS18B20 русумли микроконтроллени ишга тушириб, у ўлчаб берган харорат ҳақидаги рақамли ахборотни ўқиб олиш ва 7 сегментли 4 позицияли индикаторга ўнлик тизимдаги рақам шаклида динамик режимда, яъни, аввал биринчи позиция ахборотини, сўнгра иккинчи позиция ахборотини, кейин учинчи ва тўртинчи позициялар ахборотини кетма – кет чиқариб беришдан иборат. 5.1 – расмда ана шу бошқариш алгоритмининг бир қисмининг блок схемаси келтирилган:

(Старт) – (Портларни дастурлаш)-(DS18B20 ни активлаш)

ISIS ишчи ойнасида Source менюси таркибидаги Add/Remove Source files менюси билан лоиҳадаги микроконтроллерга юкланиши лозим бўлган дастур файлини ва керакли микроконтроллерни ҳамда трансляторни танлаш лозим. Шундан сўнг трансляция қилинса ва дастурда ҳеч қандай хато бўлмаса, трансляция натижасида ҳосил бўлган (*.hex) файл лоиҳадаги юкланади. Агар лоиҳа дастури C тилида тайёрланган бўлса ва бу дастур C транслятори билан трансляция қилинса ва дастурда ҳеч қандай хато бўлмаса, трансляция натижасида ҳосил бўлган (*.hex) файл лоиҳадаги микроконтроллернинг дастур хотирасига алоҳида юкланиши лозим.



5.1 – расм. Бошқариш алгоритмининг блок схемаси

Қурилма дастурий таминости алгоритмининг Ассемблер ёки С алгоритмик тилларидаги реализацияси.

ISIS дастурий мажмуасида турли микроконтроллерлар учун “АССЕМБЛЕР” тилида тайёрланган дастурни таржима қилиб берувчи трансляторлар мавжуд. Ушбу трансляторлар ёрдамида дастлабки дастур файлидан микроконтроллер учун ишчи дастурни тайёрлаб оламиз. Бунинг учун ISIS ишчи ойнасида Source менюси таркибидаги Add/Remove Source files менюси билан лоихадаги микроконтроллерга юкланиши лозим бўлган дастур файлини ва керакли микроконтроллерни ҳамда трансляторни танлаш лозим. Шундан сўнг трансляция қилинса ва дастурда ҳеч қандай хато бўлмаса, трансляция натижасида ҳосил бўлган (*.hex) файл лоихадаги юкланади. Агар лоиха дастури С тилида тайёрланган бўлса ва бу дастур С транслятори билан трансляция қилинса ва дастурда ҳеч қандай хато бўлмаса, трансляция натижасида ҳосил бўлган (*.hex) файл лоихадаги микроконтроллернинг дастур хотирасига алоҳида юкланиши лозим.

Дастлабки дастур матнини тайёрлашда танланган PIC16F873A микроконтроллерининг командалар тизимидан ҳамда ушбу лоихада ишлатилган DS18B20 микроконтроллери командаларидан фойдаланамиз. Бу командалар ҳақидаги маълумотлар мос равишда [1],[2] ҳамда [3] да тўлиқ келтирилган.

Иловада ушбу дастур фрагментининг матни келтирилган.

Қурилманинг монтаж платасини лоихалаш.


Қурилманинг монтаж платасини лоихалаш учун Proteus дастурий мажмуасининг Ares дастуридан фойдаланамиз. Монтаж платасини лоихалашда DS18B20 харорат ўлчовчи қурилмани, индикаторларни, аккумуляторни ҳамда тармоқни улаш учун коннекторлар танлаб оламиз.

Бунинг учун 4.9 – расмда кўрсатилган барча электрон компонентларнинг конструктив моделларини аниқлаймиз. Бунда лоиҳаланган индикатор учун CONN - D15F русумли коннекторини танлаймиз. Аккумуляторни қурилмага улаш учун SIL-156-03 русумли коннекторини танлаймиз. 220 Вольт кучланишли электр энергияси таминоти тармоғига улаш учун CONN – H2 русумли коннекторини танлаймиз. Шу ўзгаришларни ҳисобга олиб тайёрланган принципал схема 4.10– расмда кўрсатилган.


Энди, ARES дастурини ишга тушураемиз. Бунинг учун исис дастуридаги менюдан ARES иконкасини босамиз. Бунда ISIS дастуридаги барча электрон компонентларини боғланиш рўйхати автоматик тарзда ARES дастурига узатилади. ARES дастури ёрдамида қурилманинг монтаж платасини тайёрлаш учун унинг геометрик размерларини кўрсатамиз. Шундан сўнг, ARES дастурининг

Агар ISIS дастури библиотекасида биз танлаган электрон компонентларнинг корпуси яъни геометрик модели мавжуд бўлса ARES дастурига ISIS дастурида тайёрланган принциал схема бўйича электрон компонентларнинг уланиш рўйхати узатилади ва ARES дастури бу рўйхатдан фойдаланиб, автоматик ёки автоматлаштирилган режимда электрон компонентларни танланган ўлчамли платага жойлаштириб беради. Элементлар жойлашувини 3 ўлчамли анимацион тасвир орқали кўриш ва керак бўлса элементлар жойлашувига ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Бу жараёни кетма кет бажариб, монтаж платасида электрон компонентларнинг оптимал жойлашувига эришиш мумкин. Шундан сўнг, электрон компонентларни туташтирувчи электр ўтказгичларини лоиҳалашга киришилади. Бу жараён ҳам автоматик итерацион режимда бажарилиши ва қўлда чизиш режимида керакли ўзгартиришларни киритиш мумкин.

Лоиҳа тайёр бўлгач, ARES дастури CAD/CAM тизими дастгоҳлари учун лоиҳаланган монтаж платаси файлларини тайёрлаб беради. Бунинг учун Gerber Generation менюсини босиш кифоя. 5.3 – расмда лоиҳаланган қурилманинг ARES дастурида тайёрланган монтаж схемаси келтирилган.



5.2 – расм. лоиҳаланган харорат ўлчовчи қурилманинг монтаж платаси схемаси.



5.4– расм. лоиҳаланган қурилманинг монтаж платасининг 3 ўлчамли ташқи кўриниши

VI Боб: Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими

1.Иш шароити нуқтаи назардан лойиҳаланаётган қурилманинг ёки технологик жараённинг тавсифи.

Лойхалаштирилган объект бу прибор (номини бераш керак).

Приборни лойхалаштириш вақтида ўз ичига қуйида технологик операцияларни олади:

=Платани разметка қилиш;

=Платани кесиб чиқариш;

=Платага монтаж схемасини чизиш;

=Уни кернлаш;

=Пармалаш;

=Лак билан суртиш;

=Травление қилиш;

=Лакдан тозалаш;

=Микроэлементларни пайвантлаш (пайка);

=Платани йиғиштириш ва монтаж қилиш;

=Корпусга уларни тешикларини жойлаштириш;

=Терилган усқунани корпусни ичига жойлаштириш ва уни созлаш;

=Тайёр бўлган приборни созлаш ва тажрибадан утказиш.

2.Лойиҳаланаётган объектни эксплуатация қилишда иш шароитининг таҳлили ҳамда хавфли ва зарарли омилларни тавсифи.

Йуқоридаги операцияларни бажариш вақтида фақат иккита учтасида хавфли ва зарарли ваторлар пайдо бўлади, масалан, пармалаш вақтида стружка чиқиб кетиб жараҳаот етказиши мумкин, пайка вақтида канифолр буғи ажралиб чиқади, травление қилиш вақтида кислотани буғи ажралиб чиқади, бу фактирлар зарарли ва инсонни нафас йўлларига тасир қилиши мумкин. Ҳамма станоклар электро токида ишлайди шунинг учун инсонни электр шикастланишига олиб келиши мумкин. Станоклар ишлаётган вақтида шовқин

ва титраш ҳосил бўлиши мумкин. Ёритилиш ҳам катта аҳамиятга эга, агар у етарлича бўлмаса, ишчиларни кўзи чарчаб, жароҳат олиши мумкин.

Биодан ажралиб чиқадиган иссиқлик, чанг, буғлар инсонга тасир қилиши мумкин, булар ноқулай санитар - гигиена омилларига киради, чунки улар узоқ-муддат таъсир қилиб инсонни касалликка олиб келади.

3.Иш зонаси ҳавоси.

Юқодрода айтганимиздек ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво муҳитининг кимёвий таркиби ва метеорологик шароитлари билан характерланади.

Шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнида йил фаслларига қараб (қиш, куз, баҳор, ёз) метеорологик шароит параметрлари (харорат, ҳаво ҳаракати тизлиги, атмосфера босими), қуйидагича олинади:

Шунинг учун ишлаб чиқариш хоналарида «Саноат корхоналарини лоиҳалаш санитария меёри» га асосан бажарилаётган ишнинг тури ва йилнинг фасллари ҳисобга олганмиз. Йилнинг совуқ ва ўзгарувчан даврлари учун ишлаб чиқариш биноларидаги мўтадил ҳаво ҳарорати $16-22\text{ }^{\circ}\text{C}$ нисбий намлиги 60—30% ҳаво оқими тезлиги 0,2-0,3 м/с деб қабул қилинган рухсат этилган ҳаво ҳарорати эса $18-2\text{ }^{\circ}\text{C}$, нисбий намлиги 75%, ҳаво оқими тезлиги 0,3-0,5м/с таъминланиши керак. Иссиқ давр учун мақбул ҳаво ҳарорати 60-30%, ҳаво оқими тезлиги 0,3—0,7м/с белгиланган, рухсат этилган ҳаво ҳарорати $33\text{ }^{\circ}\text{C}$ гача, нисбий намлик 75%, ҳаво оқими тезлиги 0,3-0,1м/с таъминланиши керак.

Биодан ажралиб чиқадиган исскилик, чанг, буғлар инсонга тасир қилиши мумкин, булар ноқулай санитар - гигиена омилларига киради, чунки улар узоқ-муддат таъсир қилиб инсонни касалликка олиб келади.

Уларни инсонга тасирини камайтиш учун технологик жараёнда ишлаб турган ускуналар хаммаси герметиклаштирилади, технологик жараёнлар эса механизация қилинади ва автоматлаштирилади, ва зарарли моддалар ҳосил бўлишини йўқотиш ёки минимумгача камайтириш учун суний ва табиий шамоллаштириш системалари жорий этилган.

4.Ишлаб чиқаришда ёритилганлик.

Лойхалаштрилган объектда ёритиш системаси куйидагача танланган, яъни табиий, суний ва аралаш ёритилишлар жорий қилинган. Бу объектда ТЁК= 1-3% га тенг бўлиши керак, нормал ёритилиш $E=300$ лк га тенг, шунинг учун биз, табиий ёритиш системасини ён томондан, яъни ойнакдан бўладиганини танладик, ва суний ёритилишни люминистентлик лампалари орқали амалга оширдик, улар хонада 6 та бўлиши керак экан ва куйидаги 1-расмда келтирилган ёриткичда жойлашади.

Объектда ишни аниқлиги аниқ ишига киради, ва кўриш шароити разряди объект ўлчамлари бўйича уни размерлари 1-3 мм тенг бўлади, бундан ташқари ёритилганлик даражаси, яъни объект ва фон контрактилиги аниқланиқланди.



1-расм ДNaТ 250-ПН ёриткичи


5.Ишлаб чиқаришда шамоллаштириш.

Биз хонадан ажралиб чиқадиган зарарли моддарар (чанг, газлар, буълар) коцентрацияси ва ажралиб чиқадиган иссиқлик даражасини ҳисоблаймиз, ва унга ассосланиб шамоллатириш системасисини танлаймиз.

$$L = W / (d_2 - d_1)1,2$$

Бизнинг шароитимизда у аралаш, яъни табиий ва сунний.

Диффлекторлар ва вентиляция йуллари орқали табиий ва суний шамоллаштириш вентилятор ва воздуховодлар орқали амалга оширилади.



2-Расм.

2-Расм. Ҳавони берадиган ва ҳавони тортадиган ҳаво алмаштириш системаси:

1 – диффлектор; 5 – фильтр, 2 - ёки совитгич - музлатгич ёки иситгич - калорифер; 3 – вентилятор; 4 – ҳаво юрадиган трубалар;

5. Ишлаб чиқариш шовқини ва тебратиш (вибрация)

Шовқин ва тебратиш манбалар лойиҳалаштирилган объектда, кўрсатилган станоклар ва ҳар ҳил ускуналар мавжуд. Уларни таъсирини камайтириш учун - товуш ва тебранишни изоляция усуллари қўлланилган, масалан, уларни тагига фундаментлар ва амортизаторлар ўрнатилади.

Шовқин тарқалиш йўлида эса кожухлар қуйилган.

Бу усуллари тўлдириш учун, шахсий ҳимоя воситалари ҳам кўзда тутилган, яъни зағлушклар жорий қилинган, бу 5 дБ шовқинни камайтиради.

6. Техника хавфсизлиги


6.1. Электр токидан шикастланиш хавфи.


Ҳамма электр қурилмалари кучланишда ишлайди, шунинг учун электр токидан шикастланиш хавфи бор.

Электр токи даражали хавфи бўйича ишчи хоналари «юқори хавfli» 2 синф хоналарига киради.

Шунинг учун одамларни химоя қилиш учун объектда ерга улаш ва нолга улаш системалари қабул қилинган.

3-Расм. А-Ерга ва Б - нолга улаш химоясини принципиал схемаси.





В

3-расм. А-Ерга ва Б - нолга улаш ҳимоясини принципиал схемаси.

6.2. Ҳаракатдаги ва айланаётган машина ва механизмлардан, баландликдан тушиб кетишда механик зарарланиш (шикастланиш) хавфи.

Ишлаб чиқариш жиҳоз ва машиналари ҳамда унинг қисмлари юқори хавф манбаси ҳисобланади. Лойхалаштирилган объектда шунақа станоклар бор, масалан парма, токарлик ва бошқлар.

Уларни хавфини олдини олиш учун турли хил тўсиқлар хизмат жорий қилинган.

7. Ёнғин ҳавфсизлиги

7.1 Ёнғин ва портлаш бўйича ишлаб чиқариш тоифасини аниқлаш.

Цехлар (хоналар)ни ёнғин ва портлаш хавфи даражаси бўйича синфлаш.

Лойхалаштирилган объект ёниш ва портлаш бўйича Д категориясга киради.

Қурилиш ва биноларнинг ёнғинга чидамлилиқ даражаси.
Биноларни ёнғинга чидамлиги бўйича 2 синфга бўлишимиз мумкин.
Бунда ўта чидамлилигига қаралади.

Электр қурилмаларида ёнғин сабаблари ва уларни олдини олиш чоралари.

Электр қурилмалари ҳар хил қисқа туташув чиққан вақтида ёнғин чиқиши мумкин, шунинг учун уларни олдини олиш чоралари вақтида ППР қилиш, хизмат фақтида уни ишини назорат қилиш керак. Бу ишларни ҳаммасини электриклар қилади, асосан опреатив хизматчилари. Электр қурилмаларини учиритиш учун ОУ-5 (углекислотнқй) ўт ўчиргич ишлатилади.




4- расм. ОХП-10 кимёвий ўт ўчиргич.

ПЕРВИЧНЫЕ СРЕДСТВА ПОЖАРОТУШЕНИЯ

УГЛЕКИСЛОТНЫЕ ОГНЕТУШИТЕЛИ


ПРЕДНАЗНАЧЕНЫ для тушения загораний различных веществ и материалов, электроустановок под напряжением до 1000 В, двигателей внутреннего сгорания, горючих жидкостей.
ЗАПРЕЩАЕТСЯ тушить материалы, горение которых происходит без доступа воздуха.



ПРИНЦИП ДЕЙСТВИЯ основан на вытеснении двуоксида углерода избыточным давлением. При открывании запорно-пускового устройства CO_2 по сифонной трубке поступает к раструбу и из сжиженного состояния переходит в твердое (снегообразное). Температура резко (до $-70^\circ C$) понижается. Углекислота, попадая на горячее вещество, изолирует его от кислорода.



ХАРАКТЕРИСТИКИ	ОУ-1	ОУ-2	ОУ-3	ОУ-4	ОУ-5	ОУ-10	ОУ-20	ОУ-40	ОУ-80
Масса заряда, кг	1	2	3	4	5	7	14	28	56
Масса с зарядом, кг	4,5	7,5	13,4	16,5	18	26	40	70	220
Длина шланга, м	2	2	3	3	3	4	4	4	4
Длина выхлопной трубки, м	4	4	4	4	4	10	15	16	30
Средняя температура хранения, °С	130	210	310	360	360	510	510	510	1140



ПРИВЕДЕНИЕ В ДЕЙСТВИЕ РУЧНОГО ОГНЕТУШИТЕЛЯ



ПРИВЕДЕНИЕ В ДЕЙСТВИЕ ПЕРЕДВИЖНОГО ОГНЕТУШИТЕЛЯ



ВНУТРЕННИЙ ПОЖАРНЫЙ КРАН

ФАП 2.04.01-02 Внутренний водопровод и сантехнические здания. п. 6.13



- ПОЖАРНЫЙ КРАН**
 Предназначен для тушения загораний веществ и материалов, кроме электроустановок под напряжением.
- 1 Место свертывания шланга
 - 2 Пуговица дистанционного включения насоса-повышителя
 - 3 Пожарный кран
 - 4 Пожарный рукав
 - 5 Стяжка



Согласно НПБ 151-2010 рукав в шкафу размещают двойной скаткой или "гармошкой", что позволяет раскатать рукав без перегибания за минимальное время.
 Стяжка, рукав и кран должны быть **ПОСТОЯННО СОЕДИНЕННЫ!** *ПББ 01-03 п.91

Высота от пола 1,35 м

